

Қудратова Мадина Абдуалимовна: «Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг шаклланиши ва унинг фаолиятини иқтисодий-статистик баҳолаш» (5А 231401-Статистика тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Илмий раҳбар: и.ф.н. М.А.Умарова

Тадқиқот мақсади: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорининг шаклланишини статистик кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш ва ушбу тизимни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозори, иш билан бандлик ва ишсизликнинг назарий асосларини ўрганиш;
- меҳнат бозорини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимини тадқиқ қилиш;
- меҳнат бозорида таклифни шакллантирувчи меҳнат ресурслари ва иқтисодий фаол аҳолининг шаклланиш омилларини статистик тадқиқ қилиш;
- меҳнат бозорини шаклланиш хусусиятларини белгилаш;
- меҳнат бозори муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўлларини статистик тадқиқ қилиш;
- меҳнат бозорини ифодаловчи асосий кўрсаткичларини статистик прогнозлаш.

**Мавзу: Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг
шаклланиши ва унинг фаолиятини иқтисодий-статистик
баҳолаш**

Режа:

Кириш

I – БОБ. Меҳнат бозорининг шаклланишини назарий асослари

- 1.1 Меҳнат бозорининг моҳияти, хусусиятлари ва кўринишлари
- 1.2 Меҳнат бозорининг амал қилиши ва унинг фаолиятига таъсир этувчи омиллар
- 1.3 Меҳнат бозори инфратузилмаси ва уни ривожлантиришнинг услубий асослари

II – БОБ. Республикада меҳнат бозорининг шаклланиш ва ривожлантириш даражасини статистик баҳолаш

- 2.1 Республика меҳнат бозорини шаклланиши, ривожланиши ва хусусиятлари
- 2.2 Аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг динамикаси
- 2.3 Республикада ишсизликнинг намоён бўлиши

III – БОБ. Меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

- 3.1 Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш
- 3.2 Аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш
- 3.3 Ишчи кучига бўлган талабни кўпайтириш воситаларини такомиллаштириш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

“Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг шаклланиши ва унинг фаолиятини иқтисодий-статистик баҳолаш”

Мавзуга оид адабиётларнинг шаклланиши

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: меёрий хужжатлар тўплами. Масъул муҳаррир А.А.Рискуллаев – Тошкент “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи 2011 йил 384 б.
3. Ш.Р.Холмўминов “Меҳнат бозори иқтисодиёти” ўқув қўлланма Т. ТДИУ 2004 йил 144 б.
4. Ё.А.Абдуллаев “Статистика назарияси”. Дарслик.-Т.: “Ўқитувчи”, 2003 йил 214 б
5. К.Х.Абдурахмонов, Ш.Р.Холмўминов, Н.Т.Шоюсупова, Н.Т.Тохирова, И.А.Бапиева “Меҳнат иқтисодиёти” (Дарслик) – Т.Узб. Ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти 2005 йил 256 б.
6. Т.М.Зияев, Ш.Т.Исроилова “Ишчи кучи ва бандлик назарияси” ўқув қўлланма Т. 2011 йил 200 б.
7. К.Х.Абдурахмонов, Н.Т.Шоюсупов “Аҳолини иш билан бандлиги” ўқув қўлланма Т. 2011 йил 384 б.
8. К.Х.Абдурахмонов “Меҳнат ресурслари сафарбарлиги” ўқув қўлланма Т. ТДИУ 2011 йил 148 б.
9. К.Х.Абдурахмонов “Меҳнат ресурсларини муҳофаза қилиш” ўқув қўлланма Т. Тафаккур бустони 2012 йил 192б
10. Арабов Н.У. «Меҳнат бозори инфратузилмаси» фани (Маърузалар матни) –Самарканд, 2011й 154 б.

**Тошкент Молия Институтини Магистратура бўлими Статистика йўналиши
биринчи курс магистранти Қудратова Мадина Абдиолимовнанинг
“илмий – педагогик” ва “илмий – тадқиқот ” амалиётларини
ўтаётганлиги ҳақида ҳисоботи
(Ҳисобот даври 2013 йил 4 февралдан 2013 йил 30 апрелгача)**

Илмий – педагогик амалиётини менга кафедра томонидан бириктирилган илмий раҳбар и.ф.н. доц М.Умарова билан биргаликда “Молиявий дастурлаш” фанининг ўқув дастурларини, ўқув комплексларини, ўқув ишчи режа, календар режа ва бошқа ҳужжатларини тайёрладик, кўшимча ва янгиликлар киртдик. Бу маълумотларни тайёрлаш давомида ушбу фанга янада чуқурроқ кириб ва турли хил адабиётлардан фойдаланиб, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашни ўргандик ва ўрганишда давом этмоқдамиз.

Мен **илмий – тадқиқот** амалиётини Тошкент шаҳар Юнусобод тумани статистика бўлимида ўтамоқдаман. Статистика бўлимига мен хафтанинг ҳар чоршанба куни бораман. Бўлимда мен менга бўлим ходимлари томонидан берилган барча топшириқларни яъни ҳисоботларни қабул қилиш, уларни тартибга солиш, тахлаш, каби ишларни бажараман. Мен Юнусобод статистика бўлимида илмий – тадқиқот амалиётимни давом эттирмоқдаман.

Мен магистрлик диссертациям бўйича адабиётларни шакллантирдим ва илмий раҳбарим билан биргаликда диссертация иши бўйича режа – бобларини тузиб чиқдик. Шу билан бир қаторда иккита мақола чиқардим.

Илмий раҳбар:

и.ф.н. доц М.Умарова

Магистрант:

М.Қудратова